«ТАСДИКЛАЙМАН»
Охангарон шахар МТБ мудири

А.И.Хамраев
(имзо) (Ф.И.Ш.)

«24» январ 2022 йил Охангарон шахар.

*Охангарон шахар Мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги ДМТТларни, арзон ва сифатли сут махсулоти билан таъминланиши юзасидан*

## Ракобат Баёномаси № 1

*Охангарон шахар Мактабгача таълим бўлимшинг буйруги асосида куйидаги комисия аъзолари:*

**Йигилиш раиси:**

| | |
|---|---|
| *МТБ мудири* | *А.И.Хамраев* |
| *(лавозими)* | *(Ф.И.Ш.)* |

*Йигилиш катнашчилари:*

| | | |
|---|---|---|
| 1 | *Бош хисобчи в.в.б.* | *Х.Б.Исматов* |
| | *(лавозими)* | *(Ф.И.Ш.)* |
| 2 | *Бош иктисодчи* | *Ш.Ш.Тожимуротов* |
| | *(лавозими)* | *(Ф.И.Ш.)* |
| 3 | *ДМТМФ ва МХМШ мудири* | *Б.А. Адилова* |
| | *(лавозими)* | *(Ф.И.Ш.)* |
| 4 | *ДХ ва ШБ мутахассиси* | *А.Хакимов* |
| | *(лавозими)* | *(Ф.И.Ш.)* |
| 5 | *Хўжалик ишлари мудири* | *Ш.Оролов* |
| | *(лавозими)* | *(Ф.И.Ш.)* |

**Эшитилди:**

Охангарон шахар Мактабгача таълим бўлими мудири А.И.Хамраев сўзга чикиб, Узбекистон Республикаси Президентининг ПК-3375 сонли карорига асосан ташкил килинган Мактабгача таълим бўлимлари, яъни Охангарон шахар Мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги ДМТТларни сут махсулоти билан таъминлаш масаласи хакида гапирди. Охангарон шахар Мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги ДМТТларига сут махсулоти етказиб бериш учун "Бахт" Ф/Х, "Зафар-А" Ф/Х ва "Холмурод Йилкичи" Ф/Х ларидан тижорат таклифи берилганлигини таъкидлаб ва берилган тижорат таклифлари бўйича куйидагича ўрганилиб солиштирилди

| № | Махсулот номи | "Бахт" Ф/Х | "Зафар-А" Ф/Х | "Хомурод Йилкичи" Ф/Х |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Сут | 5 000 | 5 175 | 5 290 |
| 2 | | | | |

Берилган тижорат таклифларидан келиб чикиб, Комиссия "Бахт" Ф/Х томонидан сут махсулоти етказиб бериш учун берилган тижорат таклифини энг макбул таклиф деб топишди. Танлаб олинган тижоратчи билан махсулот етказиб бериш бўйича шартномаларни расмийлаштириш, Охангарон шахар Мактабгача таълим бўлими мудири А.И.Хамраев хамда тузилган шартномаларни ўз вактида Охангарон шахар бўйича Ғазначилик бўлинмасида рўйхатдан ўтказиш учун такдим килиш вазифаси ДХ ва ШБ мутахасиси А.Хакимов зиммасига юклатилди.

*Йигилиш катнашчилари:*

| | | |
|---|---|---|
| 1 | *Бош хисобчи в.в.б.* | *Х.Б.Исматов* |
| | *(лавозими)* | *(Ф.И.Ш.)* |
| 2 | *Бош иктисодчи* | *Ш.Ш.Тожимуротов* |
| | *(лавозими)* | *(Ф.И.Ш.)* |
| 3 | *ДМТМФ ва МХМШ мудири* | *Б.А. Адилова* |
| | *(лавозими)* | *(Ф.И.Ш.)* |
| 4 | *ДХ ва ШБ мутахассиси* | *А.Хакимов* |
| | *(лавозими)* | *(Ф.И.Ш.)* |
| 5 | *Хўжалик ишлари мудири* | *Ш.Оролов* |
| | *(лавозими)* | *(Ф.И.Ш.)* |

## ШАРТНОМА № 1

**Охангрон шахар.** «27» январ. 2022 й.

Бундан буён "БУЮРТМАЧИ" деб аталувчи **"Охангарон шахар Мактабгача таълим бўлими"** Номидан низом *асосида* фаолият олиб борувчи А.И.Хамраев бир томондан ва бундан буён "ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ" деб аталувчи "Бахт" Ф/Х номидан низом асосида фаолият олиб борувчи М.Ходжиев бошқа томондан, ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар.

### 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу шартномага асосан Буюртмачи товарни қабул қилади ва товарлар учун пул тўлайди, Етказиб берувчи эса қуйидаги шартларга мувофиқ етказиб беради:

| № | Товарларнинг номи | Ўл. бир. | Миқдори | Нархи | Умумий нархи ҚҚСсиз | ҚҚС фоизи | ҚҚС суммаси | Умумий Суммаси ҚҚС билан |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Сут | литр | 9190 | 4348 | 39 958 120 | 15% | 5 991 880 | 45 950 000 |
| 2 | | | | | | 15% | | |
| 3 | | | | | | 15% | | |
| 4 | | | | | | 15% | | |
| 5 | | | | | | 15% | | |
| Жами | | | | | | | | 45 950 000 |

1.2. **Шартноманинг умумий суммаси 45 950 000 сўм (Қирқ беш миллион тўққиз юз эллик минг) сўмни ташкил қилади.**

**Шундан бюджет маблағлари хисобидан _45 950 000_ сўм (Қирқ беш миллион тўққиз юз эллик минг сўм)**

**Бюджетдан ташқари маблағлар хисобидан __________ сўм (_______________________)**

### 2. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ШАРТЛАРИ

2.1. "Буюртмачи" мазкур шартномани ғазначилик бўлинмасида рўйхатга олинган кундан бошлаб 10 (ўн) календар куни ичида қонунчиликка мувофик, шартнома суммасидан 30% миқдорида олдиндан тўлов тўлаш мажбуриятини олади, колган 70% суммани товарни олгандан сўнг 3(уч) календар куни ичида қабул қилиш-топшириш далолатномаси ва ҳисоб-фактура асосида тўлайди.

2.2. "Етказиб берувчи" аванс маблағлари Етказиб берувчининг тегишли ҳисобварағига келиб тушган вақтдан бошлаб 10 (ўн) календар куни ичида товарни етказиб бериш мажбуриятини олади.

2.3. "Етказиб берувчи" амалдаги Давлат стандартига мувофиқ товарни етказиб бериши шарт.

2.4. "Буюртмачи" товарларни қабул қилишда "Етказиб берувчи" иштирокида олинаётган товарларнинг тўлиқлигини ва сифатини савдоларни ўтказиш тўғрисидаги эълонда (буюртмада) кўзда тутилган бошқа талабларга мувофиклигини текшириши шарт.

2.5. Агар мазкур шартнома билан бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, товарларни ташиш ва тушириш бўйича барча харажатлар Етказиб берувчи хисобидан амалга оширилади.

2.6. Буюртмачининг розилигига кўра товар муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин.

2.7. Етказиб берилган товар бевосита Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади ва унда етказиб берилган товарларнинг миқдори, унинг сифати кўрсатилади.

2.8. Мазкур шартномада кўзда тутилган товарларни етказиб бериш, мазкур шартномага мувофик амалга оширилади.

### 3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

Етказиб берувчидан Шартномани бажариш учун зарур бўлган давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

Буюртмачи ҳисобидан товарлар ташиб келтирилганда, Етказиб берувчидан транспорт харажатларини қоплаб беришни талаб қилиш, агар мазкур шартноманинг шартлариджа бошқа ҳоллар белгиланмаган бўлса;

Етказиб берувчидан жойлаштирилган буюртмага кўра мазкур шартномага мувофиқ, тегишли сифат, ассортимент бўйича товарларни етказиб беришни талаб қилиш;

Сифатсиз товар етказиб берилганда ўз ихтиёрига кўра қуйидагилардан бирини талаб қилиш:

- тегишли сифатдаги шунга ўхшаш товар билан алмаштириб бериш;
- камчиликларни беғараз бартарф этиш;

- Етказиб берувчидан мазкур шартнома шартларини бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- мазкур шартномага мувофиқ ўзининг жойлаштирган буюртмаси бўйича етказиб берилган товарларни қабул қилиш;
- товарларнинг қийматини мазкур шартномада белгиланган нархда ва муддатда тўлаш.

3.3. Етказиб берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- "Буюртмачидан" олдиндан тўлов ва етказиб берилган товарлар учун якуний ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган тартибда ва ҳажмларда амалга оширишни талаб қилиш;
- Буюртмачидан жойлаштирган буюртмага мувофиқ, етказиб берилган товарларни асоссиз равишда қабул қилмаслик натижасида етказилган зарарларни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.4. Етказиб берувчининг мажбуриятлари:

- Буюртмачига мазкур шартномага мувофиқ белгиланган муддатда, миқдорда ва сифатда товарларни етказиб бериш;
- агар товарларни етказиб бериш жараёнида Етказиб берувчи шартнома шартлари ва меъёрлардан ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигидан четга чиқишга йўл қўйган ҳолларда Буюртмачининг талаби бўйича 10 (ўн) кун муддат ичида барча аниқланган камчиликларни беғараз бартараф этиш.

3.5. Мазкур шартнома шартлари ва талаблари белгиланган тартибда ҳамда Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ ижро этилиши шарт.

3.6. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган тақдирда шартнома бажарилган ҳисобланади.

## 3.1. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШУВ

3.1.1 Ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари ҳар қандай ноқонуний устунликларга ёки бошқа ноқонуний мақсадларга эришиш учун бевосита ёки билвосита пул маблағлари ёки қимматликларни тўлашни амалга оширмайди.

3.1.2 Ушбу Шартнома мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари пора бериш/олиш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчилик ва халқаро ҳужжатларнинг талабларини бузадиган ҳаракатларни амалга оширмайдилар. Жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишга оид халқаро ҳужжатлар талабларини бузилиши каби ҳаракатларни амалга оширмайди.

3.1.3 Ушбу Шартнома Томонларининг ҳар бири бошқа Томоннинг ходимларини ҳар қандай тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул маблағлари, совғалар бериш, уларга иш (хизматлар)ни бепул бажариши ва ушбу бандда кўрсатилмаган бошқа усуллар билан ходимнинг рағбатлантирувчи томон фойдасига ҳар қандай ҳаракатларни содир этишдан бош тортади.

Ходимнинг уни рағбатлантирувчи томон фойдасига амалга оширган ҳаракатлари деганда қуйидагилар тушунилади:

- бошқа контрагентлар билан таққослаганда асоссиз устунликларни тақдим этиш;
- ҳар қандай кафолатлар билан таъминлаш;
- амалдаги тартиб-таомилларни тезлаштириш;
- ходим томонидан ўз вазифалари доирасида амалга ошириладиган, аммо Томонлар ўртасидаги муносабатларнинг шаффофлиги ва очиқлиги тамойилларига зид бўлган бошқа ҳаракатлар.

3.1.4 Агар Томонлардан бири мазкур шартноманинг 2-иловасида келтирилган коррупцияга қарши курашиш шартларини бузган ёки бузиши мумкин деб гумон қилса, иккинчи Томонни ёзма равишда хабардор қилишга мажбур. Ёзма хабарномадан сўнг, тегишли Томон ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини бузилиш содир бўлмаганлиги ёки содир бўлмаслиги тасдиқлангунга қадар тўхтатиб туришга ҳақли. Ушбу тасдиқ ёзма хабарнома юборилган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида юборилиши керак.

3.1.5 Ёзма хабарномада Томон контрагент, унинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари томонидан ушбу шартлар ва қоидаларнинг бузилганлиги ёки бузилиши мумкинлигини ишончли тарзда тасдиқлайдиган ёки асослаши мумкин бўлган фактларга таяниши ёки тегишли материалларни тақдим этишга мажбур, яъни пора олиш/бериш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчилик ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш бўйича халқаро ҳужжатлар талабларини бузадиган ҳаракатлар асослантирилиши лозим.

3.1.6 Шартноманинг тарафлари коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриш тартиб-таомилларини тан олади ва уларга риоя этилишини назорат қилади. Бунда Томонлар коррупциявий фаолият билан шуғулланиши мумкин бўлган контрагентлар билан ишбилармонлик муносабатлари хавфини минималлаштириш, шунингдек, коррупциянинг олдини олиш мақсадида бир-бирига ўзаро ёрдам бериш учун оқилона ҳаракатларни амалга оширадилар. Шунингдек, Томонлар коррупциявий фаолиятга Томонларнинг иштироки хавфини олдини олиш мақсадида текширувлар ўтказиш тартиб-таомилларини амалга оширилишини таъминлайдилар.

3.1.7 Томонлар ўзларининг содир этилиши мумкин бўлган ноқонуний хатти-ҳаракатлари ва ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши курашиш шартларининг бузилиши контрагентнинг ишончлилиги рейтингини пасайтиришидан тортиб ушбу шартноманинг бекор қилинишигача бўлган нохуш оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тан олади.

3.1.8 Томонлар махфийлик тамойилларига риоя қилган ҳолда ушбу Шартномани бажариш доирасида келтирилган фактлар бўйича тегишли тартиб-таомиллар амалга оширилишини ва амалий қийинчиликларни бартараф этиш ва юзага келиши мумкин бўлган низоли вазиятларнинг олдини олиш бўйича самарали чораларни қўллашни кафолатлайдилар.

3.1.9 Томонлар ушбу Шартноманинг коррупцияга карши курашиш шартларини бажариш бўйича тўлиқ махфийликни, шунингдек, талаблар бузилганлиги фактлари тўғрисида хабар берган Томон учун ҳам, шунингдек, хабар берган Томоннинг ходимлари учун ҳам салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

## 4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ,

4.1. Буюртмачи:

- савдоларни ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончлилиги ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конун ҳужжатларига мувофиқлиги учун;
- савдолар ғолиби бўлган етказиб берувчи билан шартнома тузиш ёки савдолар ғолиби бўлган етказиб берувчи билан шартнома тузишни рад этиш муддатига риоя этилиши (ажратилган бюджет маблағлари камайиши ҳолатлари бундан мустасно);
- томонлар ўртасидаги шартнома мажбуриятларини бажариш тугаллангандан кейин беш йил мобайнида савдолар предмети бўйича эълонлар ва техник ҳужжатларнинг асл нусхалари сақланиши учун жавоб беради.

4.2. Товарларни танлаб олмаслик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврда) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун сотиб олувчи етказиб берувчига танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида, тез бузиладиган товарлар бўйича эса — 10 фоиз миқдорида жарима тўлайди.

Товарлар танлаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда, етказиб берувчи жарима ундиришдан ташқари, ушбу товарлар мавжудлигининг кафолатларини тақдим этган ҳолда, танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қиймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

4.3. Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида товарлар ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун буюртмачи маҳсулот етказиб берувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

4.4. Етказиб берувчи:

- савдоларда қатнашиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончлилиги;
- миқдор, сифат, техник параметрлар, шунингдек таклиф этилаётган товарларни етказиб бериш муддатлари ва жойи бўйича етказиб берувчи буюртмалари шартларининг буюртмачи буюртмаларида назарда тутилган шартларга мувофиқлиги;
- савдолар шартларининг бошқа бузилишлари;
- тузилган шартнома шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради.

4.5. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортименти ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонун ҳужжатларида ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи (буюртмачи) товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар етказиб берганлик учун жарима етказиб берувчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

4.6. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, товар етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлик етказиб бермаслик, оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

4.7. Марка белгиси қўйилмаган ёки лозим даражада маркировка қилинмаган товарларни, шунингдек идишсиз ёки ўралмаган товарларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган товарларни етказиб берганлик учун етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) бундай товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Товарлар қабул қилингандан кейин яна жўнатилиши ёки сақланиши керак бўлган ҳолларда сотиб олувчи (буюртмачи) жарима ундиришдан ташқари, ўз кучи билан, лекин етказиб берувчи ҳисобидан товарларни ўрашга ва идишларга жойлашга, ёхуд бир шаҳардаги етказиб берувчидан товарларни ўраб бериш ёки идишларга жойлаб беришни талаб қилишга ҳақлидир.

## 5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар келишмовчилик ва баҳсларини ҳал этиш учун бевосита иктисодиёт судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.3. Томонлар иктисодиёт судига мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги иктисодиёт судида кўриб чиқилади.

## 6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Ушбу шартномага асосан мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар натижасида вужудга келганда томонлар ўз мажбуриятларини бажармасликдан қисман ёки тўлиқ озод бўладилар.

6.2 Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларига томонларнинг иродаси ва фаолиятига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қурғоқчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий-иктисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, қамал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавкулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва кутилмаган ҳолатлар киради.

6.3 Шартнома томонларидан қайси бири учун мажбуриятларни енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари сабабли бажармаслик маълум бўлса, дарҳол иккинчи томонга бу хақда 10 кун ичида ушбу ҳолатлар ҳаракати сабабини далиллар билан тақдим этиши лозим.

6.4. Шартномага асосан мажбуриятларни ижро қилиш муддати ушбу енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар давом этиш муддатига кадар узайтирилади. Агар енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) таъсири 60 кундан ортиқроқ давом қилса, томонлар ташаббусига биноан шартнома бекор қилиниши мумкин.

## 7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

## 8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Мазкур шартнома ғазначилик бўлинмаларида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва **2022й. “31” декабригача** амал қилади.

8.2. Шартноманинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра 1 (бир) ой давомида бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро ҳисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда шартнома бажарилган ҳисобланади.

8.3. Шартноманинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод қилмайди.

## 9. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

| **Етказиб берувчи**<br>**Бахт Ф/Х** | **Буюртмачи**<br>Охангрон шахар Мактабгача таълими бўлими |
|---|---|
| Адрес: Паркент тумани Номданак қфй | **Манзил: Охангарон шахар 3-кичик/нохия “ Ватан” мфй** |
| **Тел./факс :70 756-48-88** | **Тел./факс:645-48-80** |
| **ИНН: 201 509 957** | **Ғазна х/в:** 23402000300100001010 **МФО:** 00014 |
| **Р/с: 2020 8000 8001 4576 9001** | **Ғазна. СТИР (ИНН):** 201122919 |
| **Банк : АТБ Халқбанк Паркент ф-ли** | **Ғазна.бўлинмаси: Охангарон шахар** |
| **МФО: 00788** | **Бюдж. ташкилоти СТИР (ИНН):** 207267281 |
| **ОКОНХ: 21210** | **ОКЭД:84113** |
| **ОКЭД:** | **ш.х.:100022860274157091100251013** |
| | **ш.х.:** |

**Рахбар ____М.Ходжиев_____** (Ф.И.Ш) ______ (имзо)

**М.Ў.**

**Рахбар ________** (имзо) **А.И.Хамраев** (Ф.И.Ш)

**М.Ў.**

Электрон рақамли имзо орқали тасдиқланган, ҳужжат коди: LY47857I4222

**2022 yil 27 yanvar** **Ohangaron shahar**

# HUQUQIY XULOSA

Ohangaron shahar Maktabgacha ta'lim bo'limi va **"Baxt" F/X** o'rtasida tuzilishi belgilangan shartnoma loyixasi yuborilgan.

Ohangaron shahar Maktabgacha ta'lim bo'limi va **"Baxt" F/X** o'rtasida sut va sut mahsulotlari sotib olish uchun qiymati 45,950,000 (qirq besh million to'qqiz yuz ellik ming) so'mlik shartnoma tuzilishi belgilangan.

Ushbu shartnoma O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksining 324-339, 353-357-moddalari hamda "Ho'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy huquqiy bazasi to'g'risida"gi qonuni va boshqa qonun xujjatlari asosida huquqiy ekspertizadan o'tkazib;

## XULOSA QILAMAN:

Ushbu shartnoma loyihasining amaldagi qonun xujjatlari talablariga javob berishi va qonunga mos holda tuzilganligini;

Tomonlarning shartnomada ko'rsatilgan mulkiy javobgarliklari va o'zaro nizolarni hal qilish tartibi, O'zbekiston Respublikasining Fuqarolik kodeksi hamda "Ho'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy huquqiy bazasi to'g'risida"gi qonunga ko'ra belgilanganligini aniqladim.

Yuqoridagilarga asoslangan xolda shartnoma loyixasi qonun xujjatlari talablari asosida tuzilgan deb xisoblayman.

**Ohangaron shahar yuridik xizmat ko'rsatish markazi bosh yuristkonsulti** **O'smonov.B**

НАЦИОНАЛЬНАЯ СИСТЕМА СЕРТИФИКАЦИИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Орган по сертификации продукции ООО «ENGINEERING BUREAU FRANKE INTERNATIONAL»

г. Ташкент, Юнусабадский район, Марказ-5, 68/1, № UZ.AMT.06.MAI.377 от 08.02.2018 г

(Наименование органа по сертификации, адрес, № в Гос. реестре)

№ 2207036

# СЕРТИФИКАТ СООТВЕТСТВИЯ

Зарегистрирован в Государственном реестре

"15" февраль 2019 г.

№ UZ.SMT.01.377.2407306

Действителен до "15" февраль 2022 г.

Код ТН ВЭД

(справочный)

**ФХ «ВАХТ», Узбекистан**

(предприятие, фирма, страна-изготовитель)

Настоящий сертификат удостоверяет, что идентифицированная должным образом продукция:

***Творог диетический обезжиренный; Каймак из коровье молока с м.д.ж. 50%; Сливки из коровьего молока с м.д.ж. 35%; Молоко питьевое пастеризованное маложирное с м.д.ж. 2,0%; Катык из коровье молока с м.д.ж. 2,0%; Йогурт классический ароматизированный с м.д.ж. 3,5%; Сметана классическая с м.д.ж. 25%.***

**Серийное производство**

(количество или серийное производство) (наименование, тип, вид, марка)

соответствует требованиям нормативной документации СанПиН РУз № 0283-10 UZTR.474-020:2017

Схема сертификации: 3 (три)

Заявитель (изготовитель, продавец) **ФХ «ВАХТ»**

(нужное подчеркнуть)

Республика Узбекистан, Ташкентская область, Паркентский р-н, Номданак МФЙ.

(адрес)

Сертификат выдан на основании:

а) документов

Санитарно-эпидемиологическое заключение № 182305 от 18.01.2019 г., № 182273 от 09.01.2019 г., выданные ЦГСЭН Кибрайского района.

б) испытания образцов Протокол испытаний АИЛ при «EBFI» № 36-С от 15.02.2019 г. UZ.AMT.07.MAI.1149; Протоколы испытаний КИЛ № 39 от 17.01.19 г., № 754 от 05.12.18 г. (сан-гиг), № 21 от 18.01.2019г. № 531 от 05.12.18 г. (бак.) № 01/19/041 от 15.01.2019г. № 01/18/907 от 05.12.18 г (Свидетельство об аккредитации № UZ.AMT.07.MAI.750 от 05.07.2017г.)

в) акта проверки производства ОС ООО «Engineering Bureau Franke International» от 13.02.2019 г.

Инспекционный контроль осуществляет ОС ООО «Engineering Bureau Franke International»

с периодичностью: Не менее одного раза в год

Особые отметки: Сертификат соответствия действителен при соблюдении требований НД, условий технологического процесса, упаковки, маркировки, хранения, транспортирования и соблюдения требований соглашения от 15.02.2019 г. и реализации продукции по истечению срока санитарно-эпидемиологического заключения (18.01.2022 г.; 09.01.2022 г.) действителен при его продлении до срока действия сертификата соответствия

Знак соответствия проставляется: На маркировке и товаросопроводительной документации

Примечание: Копия сертификата соответствия действительна только после заверения печатью органом по сертификации или держателем подлинника.

Руководитель органа по сертификации (подпись) С.Арифходжаев (Ф.И.О.)

Эксперт (подпись) М.Шербоев (Ф.И.О.)

Паркент т

# ТИЖОРАТ ТАКЛИФИ

№ 1
«14» 01 2022й

«Охангарон ш МТБ»
Рахбарига А.И. Хамраев

| № | Махсулот номи | Улчов Бирлиги | Микдори | Нархи | ККС 15% | Суммаси ККС билан |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Сут | Литр | 1 | 4348 | 652 | 5000 |
| 2 | Катик | Литр | | | | |
| 3 | Сметана | литр | | | | |
| 4 | Тварог | Кг | | | | |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| Жами: | | | | | | |
| Жами суз билан | | | | | | |

«БАХТ» фермер хужалиги
Паркент тумани Номданак КФЙ
Тел/факс 70-756-48-88
Х/р: 20208000800145769001
Банк: АТ Халк банки Паркент Филиали
МФО: 00788
ИНН: 201509957
ОКОНХ: 21210
Ходжиев М. ____

М.У

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI**

**YURIDIK SHAXSNI DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZISH TO'G'RISIDA**

# GUVOHNOMA

Reestrdagi tartib raqami № 40/2001

2015 yil « 24 » aprel

Mazkur guvohnoma yuridik shaxs „BAXT" fermer xo'jaligi ga

(o'zbek tilidagi to'liq nomi)

Parkent tumani Nomdanak QFY hududi

Umumiy yer maydoni 798,6 ga

(yuridik shaxs bo'lgan dehqon xo'jaliklari, fermer xo'jaliklari uchun ajratilgan er uchastkasi va uning maydoni ko'rsatiladi)

berilgan

| | |
|---|---|
| Tashkiliy-huquqiy shakli: | THSh 130 |
| Mulkchilik shakli: | MSh 113 |
| Pochta manzili: | MHOBT 172 7249825 |
| Yuridik shaxs kodi: | KTUT 158 91631 |
| Tarmoq kodi: | XXTUT 21210 |
| Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami: | STIR 201 509 957 |

Qoshimcha ma'lumotlar: Avval Parkent tumani hokimligi huzuridagi TSRQ'lsida 18.07.2005 yil 5340/2001 raqam bilan qayta ro'yxatga olingan

Vakolatli organ rahbari ____________ X. Rozqulov

imzo

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI TOSHKENT VILOYATI

**Фермерское хозяйство**
**«Холмурод йилкичи»**
**Ташкентской области**
**Паркентского района**

**Toshkent viloyati**
**Parkent tumani**
**«Holmurod yilqichi »**
**fermer xo"jaligi**

Тошкент вилояти Паркент тумани Номданак Кишлоги Тел:+99894-398-47-49
**х/р: 20208000704769249001 инн: 301072915 МФО: 00483 Паркент МКБ**
**ОКОНХ: 21250 Электрон манзил:**

# ТИЖОРАТ ТАКЛИФИ

Паркент т

№ 4
«14» 01 2022 й

«Охонгорон МТБ »
Рахбари А.И.Хамроевга

| № | Махсулот номи | Улчов Бирлиги | Микдори | Нархи | ККС 15% | Суммаси ККС билан |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Сут | Литр | 1 | 4600 | 690 | 5290 |
| 2 | Катик | Литр | | | | |
| 3 | Сметана | литр | | | | |
| 4 | Тварог | Кг | | | | |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| Жами: | | | | | | |
| Жами суз билан | | | | | | |

«Холмурод Йилкичи» фермер хужалиги
Паркент тумани Номданак КФЙ
Тел/факс:
Х/р: 20208000704769249001
Банк: Паркент МКБ
МФО: 00483
ИНН: 301072915
ОКОНХ: 21250
Тураббоев А ____________
М.У

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

YURIDIK SHAXSNI DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZISH TO'G'RISIDA

# GUVOHNOMA

Reestrdagi tartib raqami № 0004378

2009 yil «23» fevral

Mazkur guvohnoma yuridik shaxs Jo'lmurod yelg'ichi fermer xo'jaligi ga

Parkent tumani Nomdanak qfy hududi

Umumiy yer maydoni 80,0 ga

berilgan

| | | |
|---|---|---|
| Tashkiliy-huquqiy shakli: | THSh | 1180 |
| Mulkchilik shakli: | MSh | 113 |
| Pochta manzili: | MHOBT | 1727240825 |
| Yuridik shaxs kodi: | KTUT | 22630693 |
| Tarmoq kodi: | XXTUT | 21250 |
| Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami: | STIR | 301072915 |

Qoshimcha ma'lumotlar:

Vakolatli organ rahbari

I. Razzoqov

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI TOSHKENT VILOYATI

**Фермерское хозяйство**
**«ЗАФАР А»**
**Ташкентской области**
**Паркентского района**

**Toshkent viloyati**
**Parkent tumani**
**«ZAFAR A»**
**fermer xo"jaligi**

Тошкент вилояти Паркент тумани Шампан Кишлоги Тел-факс:
**х/р: 20208000604078091001 инн: 203363997 МФО: 00482 Паркент Агробанк**
**ОКОНХ: 21210 Электрон манзил:**

ТИЖОРАТ ТАКЛИФИ

Паркент т

№ 2
«14» 01 2022 й

«Охонгорон МТБ »
Рахбари А.И.Хамроевга

| № | Махсулот номи | Улчов Бирлиги | Микдори | Нархи | ККС 15% | Суммаси ККС билан |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Сут | Литр | 1 | 4500 | 675 | 5175 |
| 2 | Катик | Литр | | | | |
| 3 | Сметана | литр | | | | |
| 4 | Тварог | Кг | | | | |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| Жами: | | | | | | |
| Жами суз билан | | | | | | |

«Зафар А» фермер хужалиги
Паркент тумани
Тел/факс: +998977466915
Х/р: 20208000604078091001
Банк Паркент Агробанки
МФО: 00482
ИНН: 203363997
ОКОНХ: 21210

М.У.

«ZAFAR-A» Toshkent viloyati Parkent tumani fermer xo'jaligi

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

YURIDIK SHAXSNI DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZISH TO'G'RISIDA

# GUVOHNOMA

Reestrdagi tartib raqami № 40/2001

2005 yil "18" iyul

Mazkur guvohnoma yuridik shaxs "Baxt" fermer xo'jaligi ga
(o'zbek tilidagi to'liq nomi)

"Namdanak" shirkat xo'jaligi yeridan jami- 496.5 ga yer maydoni
(yuridik shaxs bo'lmish dehqon xo'jaliklari, fermer xo'jaliklari uchun ajratilgan er uchastkasi va uning maydoni ko'rsatiladi)

berilgan.

| | |
|---|---|
| Tashkiliy-huquqiy shakli: | THSh 1180 |
| Mulkchilik shakli: | MSh 113 |
| Pochta manzili: | MHOBT 1727249825 |
| Yuridik shaxs kodi: | KTUT 15891631 |
| Tarmoq kodi: | XXTUT 21210 |
| Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami: | STIR 201 509 957 |

Qo'shimcha ma'lumotlar:

Vakolatli organ rahbari ______ (imzo) M.O'.

Toshkent viloyati Parkent tumani Fermer xo'jaliklari uyushmasi «ZAFAR-A»